



# МАНАЛЛА

Ўзбекистон "МАНАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 78-79 (210-211)

2000 йил 1 ноябрь, чоршанба

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

## ЮРТ ТИМСОЛИ МАҲАЛЛАМ

Туғилганда бағринга олдинг, Ўз онамдек ғамхўрим бўлдинг, Улғайтирдинг, чўнг инсон қилдинг, Отажоним - маҳаллам менинг.

Яхши кунда ёнимда ўзинг, Ёмон кунда малҳамидир сўзинг, Ҳар бир ишда ишбошим ўзинг, Суяنجигим - маҳаллам менинг.

Маслаҳатгўй, суянган тоғим, Сайр айласам, гўзал чорбоғим, Сенда ширин кечар ҳар оним, Соябоним - маҳаллам менинг.

Таърифингга тополмайман сўз, Сенда хурмат, сендадир нуфуз, Ватан ичра ягона юлдуз, Яшнайвергин - маҳаллам менинг.

Келажатинг яшнасин, кулсин, Иссиқ бағринг меҳрга тўлсин, Йўлинг ёруғ, абалдий бўлсин,

Юрт тимсоли - маҳаллам менинг. Саъдулла ЎЛЖАЕВ, Қашқадарь вилояти «Маҳалла» хайрия жамғармаси Фузу туман бўлимасининг раиси.

## ЛУҚМА НҲАТ ШҲРВАНИНГ НАРХИ ВА ШАҲАР МАВҚЕИ

Самарқанд шаҳрининг Сиеб бозори эски шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган. Маълумки, қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқандни зиёрат қилаётган ва унинг орзусида юрганлар жуда кўп.

Бу масканда не-не алломалар, буюк олимлар, ижодкорлар яшаб ўтган. Биз юқорда эйк эртган машҳур Сиеб бозори атрофидаги Маждоҳий маҳалласи фуқароларидан баъзилари ўз хонадонларида таом - аниқроғи нухат шўрваси пиширишиб пул топишди. Бу одат азал-азалдан давом этиб келмоқда. Чунки Самарқанднинг нухат шўрваси деулишса кўпчиликнинг иштаҳаси очилади. Зиёрат қилинадиган обидалар ҳам бозор атрофида жойлашган. Нухат-фуруш опалар маҳалладан ўтадиган Чорраҳа кўчасига чиқиб Ҳўранда пойлашадилар. Кўчадан ўтган кишини «нухат ейсанми ака» деб сўраш одат тусига кирган. Яқинда узоқ шаҳардан ҳам хизмат, ҳам зиёрат баҳона келган меҳмон билан суҳбатлашиб қолдим.

(Давоми 3-бетда.)

## МУХБИР БОНГ УРАДИ

# ИЖАРАДАГИ ҲАШАРЧИЛАР

Ана шундай паллада деҳқонга ҳаммаслақ, дастёр бўлувчи дасоан ҳашарчи халқимиз ҳисобланади. Самарқанд олийгоҳларидан бу ишга сафарбар қилинганлар Гузалкент туман далаларида ҳам жавлон уришадилар. Ҳуеусан, туманда 24.570 тонна пахта режасини удалаш мақсадига 15 мингдан зиёд теримчи мавсумга жалб этилган. Шундан 7784 нафар киши маҳалла фуқаролари бўлса, қолган 7495 нафарини ақли талабалар ташкил этади. Ҳозиргача дала миришқорлари мўлжалдаги ҳосилнинг 60 фоизга яқинини йиғиштириб олишган. Биз дала ишчиларига яратилган шарт-шароитлар билан та-

## «МАНАЛЛА» ДАРСХОНАСИ ШАРҚОНА ТАРБИЯ МАНБАЛАРИ

Ўзбекистон ўзлигини таниётган овоз, мустақил улкан мамлакат. «Ўзбекистон келажиги буюк давлат. Бинобарин унинг ҳар соҳада ўз юзи, ўз йўли бўлиши, юксалиши, белгиланган мустақам манбалари бўлиши зарурат. Бу демак, қомил инсонни тарбиялашда, айниқса ёшларни вояга етказишда, оилани мустақамлашда буюк давлатга хос, уни қаддини ростлаб турадиган шарқона чуқур билим, покиза, соф ахлоқ-одоб асослари бўлиши, уларга таяниб иш қўрилиши керак бўлади. Зеро буюк давлат - юксак тарбия билан бевосита боғлиқдир.

Истиқболда она-Ватанимизнинг ростмана, тўлақонли овоз ва обод бўлиши, халқ турмушининг беармон фаровонлашиши, янада яхшилланиши, ривожланиши билан бевосита алоқадор бўлган фан ва маданият тараққийоти таълим-тарбиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу - шарқ алломалари, буюк аждодларимиз томонидан аллақачонлар исбот қилинган илмий-назарий, фалсафий-назарий ҳақиқатдир. Ҳа, шундай. Ўзбек халқи тарихан таълим-тарбия соҳасида ўзига хос, теран билимларга, тажрибаларга асосланган дорилфунун яратган, бугун бизга ноёб мерос қолдирган. Унинг илдизлари ҳозир яшаб турганимиз заминда зардуштийлик дини кенг ёйилган даврларга бориб тақалади. Мозийдан маълумки, ҳатто бугун ўзбек халқи тасарруфидоги мамлакат ҳудудида некин педагогик мафкура мавжуд бўлган, ҳукм сурган. Бироқ, афсуски муқалдас исломгача бўлган давр тарбияшунослиги, инсон тарбияси, фан ва мадания-

## ЖАБРДИЙДАЛАР СЎЗЛАГАНДА...

31 октябрь кунин айблов ҳулосаси билан таништириш яқунланди. Давлат қораловчиси - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Э.Қудратов сулдуанувиҳлар Жиноят Кодексининг ўндан ортиқ моддаси бўйича айбланаётганини айтади. Қора курсидан қолган У.Маҳмурдов ва О.Абдувоҳидов айбига тўлиқ иқрорлигини, У.Шуқуров эса гуноҳини қисман тан олишини билдирди. Шундан сўнг, суд мажлисида мазкур жиноий уюшма аъзоларидан жабр қўрганлар кўрсатма бера бошладилар. Таъкидлаш жоизки, судга раислик этувчи кўрсатма берини вақтида жабранувиҳларнинг яраси янгиланаётгани учун уэр сўради. Бу жуда ўринли, чунки айбланувиҳлар томонидан солидир этилган жиноятлар ҳақида эшитиб, ҳар қандай инсон даҳшатга тушади. Наманганлик Ҳалимаҳон Исмоилова ва 1991 йилда Тоҳир Йўлдошев раҳбари саналган ва ўзини «Ислом лашкарлари» деб атаган гуруҳ аъзолари томонидан ўн тўрт яшар ўғлига етказилган азоблар ҳақида гапирар экан, кўз ёшларини тийиб туролмади. Гуруҳ аъзолари болани «дин йўлига солиш учун» оёқ-қўлини боғлаб қўйиб калтаклаган. Бундай қийноқлар азобидан ўлим тўшагига тушиб қолган ўсмир узоқ вақт касалхонада ётиб даволанишга мажбур бўлган.



«Mahalla» дарсхонасида мазкур маҳаллалар учун ҳам керакли бўлмиш Ўзбекистон таълим-тарбия ва педагогик соҳа тараққийоти тарихини кўриб чиқини маъқул қўрдик. Эзгу ниятимиз шуки, биз бошлаган кичик мулоҳаза, катта талқиқотларнинг дебосчаси бўлса. Биз уни шартли равишда учта асосий даврга ажратиб талқиқ қилишни маъқул қўрдик.

«Mahalla» дарсхонасида мазкур маҳаллалар учун ҳам керакли бўлмиш Ўзбекистон таълим-тарбия ва педагогик соҳа тараққийоти тарихини кўриб чиқини маъқул қўрдик. Эзгу ниятимиз шуки, биз бошлаган кичик мулоҳаза, катта талқиқотларнинг дебосчаси бўлса. Биз уни шартли равишда учта асосий даврга ажратиб талқиқ қилишни маъқул қўрдик. (Давоми 2-бетда.)

## ОБУНА — 2000 «МАНАЛЛА» ОБУНАСИ УЧУН КИМ ҚАНДАЙ ЖОН ҚОЙИЯПТИ?

### «МАНАЛЛА» МАҲАЛЛАГА ҲАМКОР

Муштақлик туфайли бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттиришда, уларни янги босқичга кўтаришда, аҳолининг тинчлик ва барқарорлигини сақлашда, ёшларни ватанга салоқат ва меҳрли қилиб тарбиялашда, кескалардан ва кам таъминланган оилалардан хабар олишда, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда маҳалла фаолларининг роли катта бўлмоқда. Мана шу ҳаёт тақозоси «Mahalla» газетасида ўз ўрнини топмоқда. Шу муносабат билан ўзининг бу фаолиятдан қониқиб ҳосил қилиб, туманимиз ақли, айниқса, маҳалла оқсоқол ва мутасаддилари «Mahalla» обуна бўлишни чин қўнгиладан истаҳларини билдиришмоқдалар. Яқинда туманимиз оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг туманимиз ҳар би маҳалласида «Mahalla» газетасига обуна бўлиш ташаббуси билан чиқдилар.Туман ҳокимлиги бу ташаббусни мамнуният билан қўллаб-қувватлади.

### ЭЛЛИКҚАЛЪГА ЭЛЛИКТА «МАНАЛЛА» БОРАДИ

Газетамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича муҳбирининг таҳририятта сиз қоқиб хабар қилинганда, Эллиққала туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси Жуманар Очидлов «Келаси йилда туманимизга «Mahalla»нинг ҳар янги сонидан нақ эллиққалдан келадиган бўлди. Чунки тумандаги барча маҳалла ваъовул фуқаролар йиғинлари севинли газетамизга обуна бўлдилар. Худо хоҳласа, йил бўйи газетанинг ҳар бир сонидан баҳраманд бўламиз», - деган эмишлар. Айни пайтгача туманда ва вилоятда «Mahalla»га обуна бўлиш давом этмоқда экан.

## МУНОСАБАТ ЖУМБОҚЛИ ЖАВОБ

Сўрағич: 2000 йил 19.09-даги 116 сонга. Миробод тумани Қоммунал фойдаланиш бошқармаси шунини маълум қилдики, ҳозирги вақтда иссиқ сувнинг қувуни тузатилди. Уйда иссиқ сув бор I ХХХХ томонидан иссиқ сув бўлмаган қўнларга қайтадан ҳисоб-китоб қилинди.

Аввало хат бошидаги «Сизнинг 2000 йил 19.09 - даги 116 сонга» деган бошқотирмани ечиб англариимиз деган уй билан «Mahalla» таҳлиминини қилдик. Бахтга қарши «19.09»да, яъни 19 сентябрда бизнинг газета чиқмаган экан. «...116 сонга» дейилишидан бир маъно қилириб, 116-сонимизни қилдик. Афсуски, бу йилги сонларимиз эҳди бу рақамга етгани йўқ, умумий сонлар эса бундан икки баробар кўп... Энди хатлар бўлими дафтларини титдик: шикоят келиб, босилмасдан текширишга йўлланган хатлар рўйхатларидан қилдик (чунки энди бу жавоб газетала босилган мақолага ёзилган жавобга ўхшашмаётганидир). Афсуски, бу рўйхатда ҳам йўқ. Наҳора, энди газетала босилган мақолага жавоб олиш учун жўнатилган хатларимиз рўйхатидан шу хатга мазмунан яқинроқ хатларимизни ахтардик. Шу йил, яъни 2000 йил 19 сентябрда 116-рақамли хатимизни Миробод тумани ҳокимлигига йўллаб, газетамизнинг 13 сентябрь сонидоги «Қувурдаги гувурлар» сарлавҳали мақолага муносабат билдирилишини сўраган эканмиз. Агар жавобдаги «...иссиқ сувнинг қувуни тузатилди» жумласини тузатиб, «қувун» сўзини «қувур» деб ўқисак, балки жавобини шу мақолага билдирилган муносабат деб гумон қилиш мумкин. «Бошқотирма»ни топишда бизга жавоб билан илова қилинган учта одамдан олинган «расписка» (иссиқ сув берилди бошлагани ҳақидаги «Афросиёб кўчаси, 12-уй» деган қайд ёрдам берди. Чунки ушбу мақолада айнан шу кўча, шу уй ҳақида гап бўлган. Аммо негадир бу ўринда мақолага сабаб бўлган ва номи мақолада қайд этилган шикоятчи хонадондан «расписка» олинмаганини бизни яна шубҳага қўйди. Барча оворатартиқликни қўйиб, ўша «КФБ-сизга алоқа боғлаб қўя қолайлик, десак, хатда на манзил, на телефон рақами кўрсатилган. Ҳатто конверт юзюда жўнатуви манзили кўрсатилгани лозим бўлган жойга ҳам турбурак муҳр босиб қўйишган, ҳолос. Хуллас, республика матбуоти томонидан ҳокимлик номига юборилган хатга жавоб ёзиш воқолатини «КФБ-си Бошлиги Уринбосари Т.Н.Сафаровга берган Миробод туман ҳокимлигидан бу «бошқотирма» жавобини ечиб беришларини илтимос қиламиз.

ТАХРИРИЯТ.

## СУД...

- 2-саҳифасида: «Аёлларни ижтимоий мослаштириш маркази»нинг фаолияти ўз номига мосдир. Ёмон ишлардан сақланиб юришлик ҳам садақа. Эндиликда тожикистонликлар чўнтагида Сомоний олиб юришади.

## 3-саҳифасида:

- Кўча эрта саҳарлаб супурилсин, касал келин қизлик уйида даволансин, деб қаерда ёзилган? Бўкалик II гуруҳ ногирони Тошкентга келиб-кегиниш учун имтиёзли ҳуқуққа эгами?

## 4-саҳифасида:

- «Эй, қизим бу бахилларнинг водийси, мен исломий амалларни тўқис бажариб юрсам-да, ҳеч кимга садақа берган эмасдим», деди онанинг руҳи. Фурқат кўрган ёнғоқ ҳамон тирикми? Нима учун Амир Темур Амир Ҳусайн билан дўстлашмади-ю, Саййид Баракани ўзига устоз билди?

Logo of 'MAHALLA' newspaper. Text: Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган. Тахририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 148. Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75, ижодий бўлимлар — 136-53-82. «Матбуот тарқатуви»-хиссасдорлик жамияти. Кабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25. Мақола ва хабарлар мазмунини, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдилар. E-mail: mahalla@gazeta.silk.org



УСТОЗ САНЪАТКОРЛАР ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Киночилар уйда «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ва Республика Кино арбоблари бирлашмаси ташаббуси билан Ўзбекистон халқ артистлари Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев ҳамда Сойиб Хўжаев таваллудининг тўқсон йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Санъатшунос олимлар, таниқли актёрлар, танқидчилар иштирок этган маъмур тадбирда миллий экран санъати равнақига улкан ҳисса қўшган истеъод соҳибдорларнинг ижодий фаолияти ҳақида сўз борди, уларнинг ҳаётига оид ёрқин хотиралар эълан олинди.

Юртимизда Шукур Бурҳонов қатнашган фильмлар кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Актёр ижодининг бетакрорлиги, улғурворлиги шундан иборат эдики, у ўзининг қалби, бой маънавий дунёсини саҳнада, экранда томошабинга тўла етказиб берди. «Улуғбек юдузи», «Тоҳир ва Зухра», «Шоҳ Эдил», «Қисбат қарз» сингари фильм ва спектакллар фикримизнинг исботи бўла олади.

Таниқли санъаткор Олим Хўжаев эса саҳна нутқи, сўз маданиятини ўзбек кино санъатида янги чўққиларга олиб чиқишга муваффақ бўлган иқтидор соҳибдорларидан. У яратган Солиҳ Маҳдум, Хўжа Аҳор сиймолари айнан шу боисдан ҳам халқимиз меҳрини қозонди.

Сойиб Хўжаев номи тилга олинишидаёқ кўпчиликнинг чечмасида беихтиёр табассум пайдо бўлади. Миллий киномайдонда илк бора ҳажвий сиймоларни олиб кирган «Тошболат ошиқ»нинг истеъод қирралари нафақат театрда, балки кинода ҳам ўзига хос тарзда намойиш бўлган. Санъаткор иштирокидаги «Ёр-ёр», «Дилбарим» сингари фильмларни, тасвирга туширилганга анча бўлса-да, халқимиз ҳали-ҳамон мириқиб томоша қилади.

У.А.

МАҲАЛЛА КЎЧАЛАРИДА: ИЖТИМОЙ ОҒРИҚ

«ҚУЛЧИЛИК»КА КЕЛДИК», ДЕЙИШАДИ-Ю...

ёки қизиқувчан журналистнинг ҳаётимизга оид кузатувлари

Тонгда ишта шошилаётганлар табиати суғурилган кўчалар фаёзи билан янада равшанлашади, балки ишимиздаги унум, меҳнат самараси бир томондан азбаройи шу манзара туйғули ҳам тўла-тўқислар. Бу ажиб, ялғиз воқеалик билмадим, халқимизга қанчалонда улум бўлган, лекин манзаранинг ўзига хослиги ҳеч қимда шубҳа тудирмаса керак!

Бир неча кунларки, кўшимчи Мухаббат холининг келини саҳарда дарвозага чиқмай кўйди. Маҳаллалик кўчалари бирдек ораста, бирдек сув сеппилган Гузал келинонинг «худо» сулуғи тегайи ётибди. Бу аҳвол бир ҳафтадан ошқ давом этди ҳамки, дарвоза таги ҳануз сув кўрмалди. Қаранг, бири балоғатга етган, иккинчиси 14-15 га кўрган қизлар туриб кўча сулуғиришмасам ҳам Мухаббат хола хотиржам, қон босими кўтарилмайтми. Кейин билсам, Гузал келиноий ўзининг қизлик уйига кетиб қолди. Бугундай эмас, албатта. Даволангмай! Мухаббат холининг маҳаллага тарқатган баёнотиға қараганда келинининг кузак тузиши билан тез-тез тумов бўлган олати бор эмиш...

Шу кўйи келиноий бир ярим-икки ой ўтганидан кейин қайнонасининг уйда яна пайдо бўлди. Ранг-рўйига қизил югурган. Бир қалар тўлишиб қолган. Масалга Гузал келиноийнинг қайнона уйда қачон пайдо бўлганини билиш даражасида қизиқувчан эмасман, Лекин дарвозага яна сув сеппила бошланган, кўчалар эрта саҳардан сулуғири-сидириланган кундан эътиборан келиноий қайтиб келганини билиш мумкин эди. Чунки келин уйда туриб кўча сулуғиришмасам ҳам Мухаббат хола эмас.

Мухаббат хола ва келини ҳақида мулоҳаза қилар эканман, нима учун даволаниш учун



келин ўз уйига қайтиб кетиши керак экан, деган савол ҳаёлимни чулғайди. Ахир, Гузал келиноий янги хонадонга бутун келажакни, кейинги нурафон ҳаётини умидлаб келмаганми? Савол-ҳаракатлари, ениш-ичишлидан тортиб, рўзғорга мансублиги янги хонадон билан боғлиқ эмасми? Ахир тумов бўлган бўлса, агар сурункали хасталиги қайталанган бўлса ҳам, шу хонадон кўчасини саҳарда сулуғиришмасам ҳамки, нега энди бошига дара ташганда у қизлик уйига қайтиши керак. Ахир даранинг зўрайишида шу ҳовлининг ҳам «улдузи» бор-ку?! Балки бу тартиб-интизом бирор қонунчилик баъзада ёки халқимиз қадимий улмуларида ёзилганлар. Мухаббат хола қайси меъёрий ҳуж-

жатлар асосида бир қарорга келишни билмадим, ҳайтовур бу иш менга маъқул келмади. Лекин «Бу ишнинг менга маъқул келмади», деб исён кўтарсам - бўлма! Ахир биронинг оила-си... даҳисиз деганлардек. Аслида бу гапни Анвар ака - Мухаббат холининг ўғли, келиноийнинг турмуш ўртоғи кўтариши керак эди. Аммо бунга кўзим етмайди. Йўқ. Анвар ака бўш-баёв эмас, ўзига яраша мустакл фикрли, қорхонада беш-ўн кишининг бошини қувутириб турган бўлиши мумкин. Аммо хонадонда унинг дегари ўрни йўқ. Хотин билан бўлганидан барча иш-режалар Анвар аканинг ҳоҳиш-иродасидан ташқарила, онасининг раёни билан ҳал бўлади. Балки халқимизнинг бу олати ҳам яхшидир. Ҳар ҳола ота-она кўпни кўрган, ҳаёт

нинг манфаатини кўзлаб қўйиши мумкин! Шунинг учун оилавий иқир-чиқирларга арамасликни ўғил ўзи учун афзал билди. Қолаверса, қорхонадаги ташвишлари ҳам ўзига етарли. Лекин менда бу ҳолатга нисбатан ҳам исён туйғу-си беихтиёр уйғонади. Нима учун 30 ёшни қоралаган эр хотини билан мустакл равишда келажак режасини туза олишмайди. Ҳаётнинг бутун изини ота-онасининг қўлига бериб қўйишди. Хорижий давлатлардаги ёшларнинг мустакллигини кўя турайлиқ, атрофимиздаги кўшни миллатдаги ёш хонадонлари «ағзининг ўзи оқимига ҳаққирамай қўйиб юбараётган замонаш-мақоношларимизга назар солайлик. Неге уларда оилада фикр билдириш, оилани ўз изига солиш учун гайрат ва ташаббус кўрсатишда ёшларга эркиндик берилган. Балки бизнинг миллатга хос бўлган мурасилик, катталик дунёқарашини мутлоқ ҳаққидек деб билиш мерос бўлиб келадиган ўзармас давлатлар.

Наҳот ёшлар тақдирини белгилаш, улар учун катталар маъқул қўрсатиши лозимлиги кейинги даврларда қарор топан «ҳаққидек» бўлса. Унда Анвар акани бироз шиқоати, бироз қатъиятли бўлишга ҳаққираман.

Мухаббат хола рисоладагидек оила бекаси, меҳрибон она, семимли муҳри, лекин нима учун қаҳри қайнона? Унинг қаҳрлилиги шундаки, келинини бир дам тиндирмайди, ҳовлида эрта саҳарда пайдо бўлган Гузал келиноий ҳаммадан кейин кеч ҳуфтдода ётоғига қиради. Қаҳрлилиги шундаки, келинининг қичқина айбини ҳам кеиргиси келмайди. Қаҳрлилиги айниқса

Менга маҳалла кўчаларининг саҳарги таровати ёқади: хўроз қичқирмасидан хонадон дарвозаларини ошилди, ташқарига сув сеппилади. Духоба ёки парча халат кийган, боиларига қизил ё пушти рўмол таққан келинчалар гоҳ бири-кетини, гоҳ бир вақтининг ўзида дарвозалар олдига пайдо бўлишди, кўча суғуришди.

тажрибасига эга. Анвар ака эса масалаларга ёношадек бир ёққаллик муносабатини намойиш қилиб, хоти-

шундаки, келинидан юзак бўлса ҳам рози бўлиб қўймайди. Мен Мухаббат холининг жоғаси қаерда эканини англаш учун, ўқиган-билган кишига маслаҳат солган эдим. «Жаннатда қайнона-келин бирга бўлишар экан, шу сабабдан бўлса керак, бу дунёда улар ҳечам муроғига келолмас эмишлар» деб жавоб берди.

Илоё шундай бўлсин, илоё Мухаббат хола билан унинг «толқон ютган» ҳалим келини оқибатда бирга бўлисин. Агар мен англомаётган тилим шу йул билан яқун топса, мен Анвар акани ҳам ҳалим бўлишдиққа, охиригача «толқон ютиб» юришига розиман.

Исон бу дунёга не мақсадда келди, ҳузур-ҳоловат оламси, оламнинг бутун гузалликларини ўзида ҳис этмаса, қамал раиларини ўзига сингдирмаса, бир хилдаги оқ-қора тусси ранг инсонни қамолотга етиштирмайди-ку?! Балки Гузал келиноий ҳам тиним билмас югурик даврида «Ёшлар» журналининг варақлагиси, кечаги сирли дўстлари - семимли китобларига қайта мурожаат этгиси керак. Бир уйни тўдириб ойна жажон кўраётган қайнона-қайнона, қайнона ва сингилларига қўйилиши, ҳордиқ чиқаргиси керак. Қўлида чойнақсиз, гарданда ортиқча масъулиятсиз, албатта. Лекин бунинг иложи йўқ. Чунки Гузал хонадонда келиношша. Шундай экан, у лозим хизматга шў туриси, воқеа-ҳодисаларга муносабат билдирмасдан «лаббай» дейиши лозим. Шундай экан, қайнонасини ўз уйда илк бор таниганида, яъни бўлажак қайнона унинг қизлик остана-сини «қулчилик келдик» деган ибораси билан илк бор боғданда бу масъулиятларни у олдиндан кўра билиши керак эди...

НОДИР АЛИМОВ, «Маҳалла» муҳбири.

Таҳририятдан: «Қизиқувчан» журналистимизнинг ўзга хонадонни зимдан кузатгани оқибатдаги фикрларини ўқидингиз. Бу албатта, бир томонлама, бир девор оша назар ҳолос. Азиз муштарийларимиз, бу дунёқараш билан қўйилмасликлар, муҳбир билан баҳслашишга рағбат сезишлари мумкин. Маъмур имконият барчангизда мавжудлигини эслатиб қўймоқчимиз. Ахир газета саҳифалари барча учун тенг равишда очик-да.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

У Самарқанднинг нўхат шўрвасини кўп эшитган. Тамалди қилиш учун бозор айлиб маҳаллага чиққанда 10-15 та пазанда опалар қий-чув билан ҳар қайси-си ўз уйига тақлиф қилишган. Хуллас, бозор ёнидаги хонадонлардан бирига ташриф бурурган.

Ўзбекистонда мана-мана деган ресторанди ўтириб овқатланганимда ҳам бунча пул сарф қилмасдим, еган овқатимга, - дейди меҳмон кўйини.

Бир товоқ нўхат, чой ва майда-чуйда учун ўн минг сўм ҳақ олишган унда. Енида бунча пули бўлмаган меҳмон қанча тушунтиришга урунмасин бефойда. Ҳатто фуқаролик паспортини гаровга қўйишга ҳам уринган. Кўп мунозаралардан кейин қимбатроқ кийимини гаровга қўйиб бир алфозла шаҳардаги бир танишини

НЎХАТ ШЎРВАНING НАРХИ ВА ШАҲАР МАВҚЕИ

топиб олади. Уяла-уяла воқеа тафсилотини айтади. Ва қарз олиб ҳалиги нўхат шўрвачилардан қутулиб чиқадди.

Самарқандликларни бошқача тасаввур қилардим, - дейди меҳмон тафсилотини сўнида.

Меҳмон айтиб берган воқеалар тасвир қилиб «нўхатхўрлик»ка бордим. Маҳалладаги нўхат шўрва тайёрлаб сотадиган хонадонлардан бирига бориб худди меҳмон айтгандек манзарани ўз бошимдан ўтказдим. Тў-

топиб олади. Уяла-уяла воқеа тафсилотини айтади. Ва қарз олиб ҳалиги нўхат шўрвачилардан қутулиб чиқадди.

Самарқандликларни бошқача тасаввур қилардим, - дейди меҳмон тафсилотини сўнида.

Меҳмон айтиб берган воқеалар тасвир қилиб «нўхатхўрлик»ка бордим. Маҳалладаги нўхат шўрва тайёрлаб сотадиган хонадонлардан бирига бориб худди меҳмон айтгандек манзарани ўз бошимдан ўтказдим. Тў-

топиб олади. Уяла-уяла воқеа тафсилотини айтади. Ва қарз олиб ҳалиги нўхат шўрвачилардан қутулиб чиқадди.

Самарқандликларни бошқача тасаввур қилардим, - дейди меҳмон тафсилотини сўнида.

Меҳмон айтиб берган воқеалар тасвир қилиб «нўхатхўрлик»ка бордим. Маҳалладаги нўхат шўрва тайёрлаб сотадиган хонадонлардан бирига бориб худди меҳмон айтгандек манзарани ўз бошимдан ўтказдим. Тў-

«Маҳалла» муҳбири.

МЕҲНАТ ОДАМЛАРИ ТАҚДИРИН ҚЎЛ БИЛАН ЯРАТАЁТГАНЛАРДАН БИРИ

Жумақул Эргашев иш фаолиятини Охунбобоев номида жамоа ҳўжалигидаги 33-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлади.

Интиланга толе ёр, дейдилар. Жумақул Эргашев ўзининг билимдонлиги, сўз айтиб кўнгул овлаши, маърифатпарварлиги билан мактабнинг катта жамоаси қаторидан муносиб ўрин олди. Обруға эга бўлди. Халқ таълими раҳбарлари юксак; масъулиятли мартабаларни унга ишониб топширганлариди ҳам хато қилмаган эдилар. Чунки Жумақул ака шунга муносиб эди. Астойдил ишларди. Кам бўлмади. Кўрагига халқ маорифи аълочилиги нишони тақиб қўйилди. Худди шундай иззат-икром билан қирқ йилдан ортиқ ёшларга таълим-тарбия берди, ўқитувчилар жамоасига раҳбарлик қилди. Ўнлаб ўғил-қизлар унинг ортидан эргашиб, инглиз тили бўйича малякали мутахассис бўлиб етишдилар.

Жумақул ака айни пайтда пенсияда. Уч йилдан буён кексалик таътибини сураётган бўлса-да, одамлар унга аввалгидек эътибор билан қарашади. Чаганиён ёшларининг эътиқоди эса ундан-да баланд. Ҳаммининг қўли кўксиди. «Ассалом, домла», «Саломатмисиз устоз», «Хорманг, муаллим» деган самимий сўзлари билан қарши олишади. Хурматино жойига қўйишади. Давралар тури ҳам Жумақул Эргашевники. Маҳаллада ўтказиладиган тўю-маракаларда ҳам бош-қош.

Жумақул Эргашев, - дейди биз билан суҳбатда маҳалла оқсоқоли Абдусамат Аҳмадулов, - меҳрибон устоз, жоқуяр тарбиячи бўлган. Бу ишни ҳозир ҳам давом эттирарди. Ахир, маҳалла ҳам тарбия маскани эмасми? Маҳалла, онла, мактаб ҳамкорлигида ўтказиладиган тадбирлар ташкилотчилиги ҳам ана шу домламиз бўладилар.

Жумақул ака Деновнинг Чаганиён маҳалласидидаги ибратли оила бошлиги. Ўзидан меҳнатсевар, одобли тўрт ўғил, бир пошикастанинг падар бузқурвори, ундан ортиқ ширин-шакар невараларининг суякли бобоси.

Омон ШУКУРОВ, «Маҳалла» муҳбири, Сурхондарё вилояти, Денов тумани.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Бу йил Амударёнинг қуйи қисмида сув танқислиги юз берди.

ҚОРАЎЗАК ҲАМ ЁРДАМДАН ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

Шундай бир пайтда мамлакат Вазирилар Мақамасининг 2000 йилнинг биринчи ярмида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлаштириш ва иқтисодий илоҳотларининг боришига бағишланган мажлисида қургоччилик, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси... қишлоқ жойларини сув таъминлиги тоғт ташвишли ҳолатни вуғудга келтиришга мақсадли Вазирилар Мақамасининг Фармойиши қабул қилинди. Бу - қўсимизини тоғлек ус-тириб юборди.

Фармойишга кўра сув танқислиги ва қургоччиликдан жабр кўрган оилаларга давлат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга мўлжалланган харажатларга қўшимча 756,3 миллион сўм мақдорда маблаг ажратилди. Қуноқларини шунданки, бу маблагдан 272,4 миллион сўм 14 минг нафар кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга, 233,9 миллион сўми 16 ёшгача бола-ли оилаларга, 2-11 синф ўқувчилари бор оилаларга эса (ҳар бир ўқувчига 4590 сўмдан) 250 миллион сўм сарфланди.

Бизнинг овул фуқаролар йиғини ҳудудини салкам 500 оила ҳам ана шу таъминланган тула бахшланди бўлади. Бунинг учун овулимиз меҳнатқиллари самимий миннатдорчилик билдирмоқда.

Марқабой КАЛИМБЕТОВ, Қораўзақ тумани «Қўёбо» овул фуқаролар йиғини оқсоқоли.

ОЛАМНИНГ РАНГИН ЮМУШЛАРИ

КАПТАРЛАР ҚИҲА ҚОҢИРАҒИНИ

Тинчлик элчилари бўлган каптарлар Лондон шаҳри мэри Кен Левингстон учун ҳақиқатдан бош оғриғига айланди. Ҳар кунини сон-санокисиз сайёҳлар ташриф буворадиган машҳур Трафегур майдонини гала-гала бўлиб юрувчи 30-40 мингга яқин бу қушлар ўзларининг ошёнёлларига айланган олдидилар. Хўш, бунинг нимаси ёмон дегувчилар ҳам топилади, албатта. Ҳамма гап шундаки, бу қанотлилар қоринларидидаги бўшатилиш учун жой танламайдилар. Бунинг натижасида майдондан йилгига тонна-тонна қиқнади-ларни ташинишга тўғри келмоқда ва бу мақсад учун шаккар маъмурияти йилгига қатта маблаг сарфламоқда. Бунинг устига мамыурларни баъзи кишиларнинг

паркларга кириб экинларни пайхон қилмоқдалар. Уларнинг эгалари эса моллари ахир ўзлари қайтиб келишига ишониб бамайлиқтир ўтираверадилар. Яқинда Москутов посёлкасида ана шундай дайди уй ҳайвонлари учун махсус «жарима майдони» ташкил этилди. Ушбу майдон адалган жойинворлар учун аслида «меҳмонхона» вазифасини ўтайди. Бундан буён бу ерга ушлаб келтирилган ҳайвонларнинг эгалари ё 70 рубль жарима тўлайди ёки молдан ажралади.

БОЖ ВАЗИРАНИНГ ТАЖВИШИ

Кўнгулчар автомат уйнаш жойларини ёшлар «наша»дек ўзига тортувчи-заҳарловчи масканга қибс қилган Малайзия бош вазири Абдулла Бадавийи икки ой мўддат ичида мамлакатдаги барча ана шундай ўйин залларини ёпиш ло-

ХАЙРИХОҲ МАҲАЛЛА



қурсалар уларни оталари олдиға жунатишар, қиз кўрсалар ўзлари тарбия қилишар экан.

XX АCP АМАЗОҲКАЛАРИ (ёки бахти-қаролар маскани)

Қадимий Юнон афсоналари Кичик Осевё ва Лемнос оролида яшаган амазонкалар - уришқоқ аёллар ҳақида маълумот берадилар. Улар эркаклар билан фақат наслини асраб қолиш учунгина яқинлашар: агар ўғил



қурсалар уларни оталари олдиға жунатишар, қиз кўрсалар ўзлари тарбия қилишар экан.

Қадимий Юнон афсоналари Кичик Осевё ва Лемнос оролида яшаган амазонкалар - уришқоқ аёллар ҳақида маълумот берадилар. Улар эркаклар билан фақат наслини асраб қолиш учунгина яқинлашар: агар ўғил

Маҳаллаларимиз ҳам билим ва тарбия олишнинг қиянакам масканига айланиб бораёттир. Авваллари мактаб ўқувчилари бадий ҳаваскорлик, радио-техника мангулотларига қатнашиш учун шаҳар ва туман марказларига боришга мажбур бўлишган бўлса, ҳозирги кунда бундай имкониятлар гузар ва маҳалла марказларида ҳам ташкил этиладигани сир эмас. Тошкент шаҳар Сирғали тумани Қўшқўрғон маҳалласининг яқинда ўқувчилари ўзлари қи-таққан касб-ҳунарини ўз маҳаллаларида эгаллаш имкониятига эгалар. Тикни-бинчи, радио-техника, фотоҳаваскорлик, компьютер ва инглиз тили сабоқлари бола-лар учун энг хавфсиз ва энг қулай маскан - маҳалланинг ўзида мавжуд.

Суратда: Қўшқўрғон маҳалласи котиби Абдуқаттот Султонов бола-лар эгалардан биланларга хайрихоҳдир. Н.АЛИМОВ.

ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

34. УЗАТГАН КҮЛА БҮШ КОАМАС

Найгамбаримиз айтиб бераптилар: Бани Исроил замонларида оғир қаҳатчилик даври бўлган экан. Бир аёлнинг эмизикли боласи бор экан, бир ташламан нонни энди ейман, боламга сут бўлар деб турганда ёнидан бир гадо ўтиб қолибди:

Эй, бегуноҳ гудакнинг азиз онаси, қўлингдан нонингни бер, очлик мени домига тортиган, ўлимим яқин, очимдан ўламан, - деб қолибди. Ҳалиги нонни тишлаган она, оғзидан қайтариб гадога берди. Бир ўйлаб кўринг-а, оғзидан қайтариб гадога берди. Бир ўйлаб кўринг-а, оғзидан қайтариб гадога берди. Бир ўйлаб кўринг-а, оғзидан қайтариб гадога берди.

бўрининг орқасидан қувган эди, Худонинг қудрати билан бўри жойида тўхтади ва онанинг фарёида маст бўлиб, чақалоқни оғзидан бўшатиб, қумга қўйиб кетди. Шунда Жаброил алайҳиссалом келиб, айтдики, «Эй Оллоҳнинг мўминна бандаси, тақдирингда бир бало бор эди. Шу вақтда, чулда чақалоқнингдан айрилиши керак эди. Оғзингдан лўқмангни гадога бериб, бўрининг оғзига лўқма бўлиб турган гудакнингни сақлаб қолдинг. Садақаннинг сабовини Оллоҳ ана шундай қайтарди», дебдилар Жаброил алайҳиссалом.

ган саховатли юмушини мингта одам бажара олмайди. Ваҳоланки ўша саховат қилаётган битта одамдан ҳам бойроқ кишилар бор, ўша юзта одамнинг ичиди.

Пайгамбаримизнинг хузурларига бир аёл келди. Ойша онамиз кутиб олди. Шунда Пайгамбаримиз сўради: «Эй, қизим, бу бахилларнинг воқисси, мен намоз ўқиганим билан ота-ининг хизматини қилганим билан, оналик қилиб нисларим борқаним билан бировга бир бўрдан нон берилса жоним чиқиб кетарди, бахиллигим тўғри хеч кимга ҳеч нарса бермасдим. Отанг садақа қилмаган деса ҳам қарши бўлиб жанжал кўтарардим. Умримда бир марта гарибга раҳм қилиб, шу идишчада ёғ берган эдим. Ўша аёлнинг қизини тизаси сал очилиб қолган экан, лозими йиртилиб, «Ямаб олсин» деб мана шу матога берилди. Шу берган оғзига садақам мени ўт балосидан сақлаб турибди. Ташналикни босмоқ учун шу идишни ялаб турибман. Маточа билан ўтти даф қилиб турибман». «Шунда мен сўрадим, эй онажон, отамлар қараларми?» - деб. «Отанг ҳўв ана, жаннат дарвозаси олдиди, ҳави-қавсарга сув ичгани келганларга сув тарқатяпти. Отанг саховатли одам

маточа билан даф қилдилар, еллийдилар. «Эй онажоним, намозхон эдингиз-ку, элни рози қилган эдингиз-ку, нимага бундай аҳволга тушиб қолдингиз? Қўлингиздаги латта билан бу идишча нимани билдиради?» деб йиғлаб сўрадим. «Эй, қизим, бу бахилларнинг воқисси, мен намоз ўқиганим билан ота-ининг хизматини қилганим билан, оналик қилиб нисларим борқаним билан бировга бир бўрдан нон берилса жоним чиқиб кетарди, бахиллигим тўғри хеч кимга ҳеч нарса бермасдим. Отанг садақа қилмаган деса ҳам қарши бўлиб жанжал кўтарардим. Умримда бир марта гарибга раҳм қилиб, шу идишчада ёғ берган эдим. Ўша аёлнинг қизини тизаси сал очилиб қолган экан, лозими йиртилиб, «Ямаб олсин» деб мана шу матога берилди. Шу берган оғзига садақам мени ўт балосидан сақлаб турибди. Ташналикни босмоқ учун шу идишни ялаб турибман. Маточа билан ўтти даф қилиб турибман». «Шунда мен сўрадим, эй онажон, отамлар қараларми?» - деб. «Отанг ҳўв ана, жаннат дарвозаси олдиди, ҳави-қавсарга сув ичгани келганларга сув тарқатяпти. Отанг саховатли одам

эдилар, қўли очик эди. Нима топса ярмини одамларга бериб, баҳам кўрардилар. Садақалар қиларди. Шу сабабдан у сахийлар водийсида, булоқнинг тепасида яна одамларнинг ҳо-жатларини чиқаряпти». Бир вақт қарасам отам ҳаммага сув улашяптилар, «Болам фоний дунёда ҳам одамларга нарса берардим, Худога шукр қилардим дунёда ҳам шу юмушнинг давом эттирарман. Мана бу се-робчиликни қара, бу Сарвари оламнинг ҳовузлари. Одамларга тарқатялман шу сувдан». «Ота, мена ҳам бир қўлтам сув беринг, онам ташна бўлибди-лар, олиб бериб берай», - дедим. Отам бир қўлтам сув бердилар, ҳовуцида сувни олиб бериб онамга узатман дедимки, гоийбдан овоз келди. «Ҳавзи-қавсардан сув ичганидан бахиллар бебахадирлар». - Шундай уйғонсам, бир қўлимда кўриб борапти. Унг қўлимда жон йўқ. Кейин уч кун ўтган яна бир туш кўрдим, Ё, Расулиллоҳ унда ҳам гоийбдан бир овоз келди. «Ҳавзи-қавсар соҳибидан дуо олгин», - деган. Уйғониб кетдим ва сезинг хузурингизга келдим. Сарвари олам дуо қилдилар. «Ё илоҳо, бу туш жамми умматларимга ибрат бўлгусидир. Ва мен розиман, сенда туноҳ йўқ. Онанг мейри бонлиқдан сув узатгансан. Оллоҳ қўлингта шифо берсин» деб дуо қилган эканлар. Аёлнинг қўли шифо топди.

Эй, дўсти содиқ... «ОТАМ «ОЛАТОВ»НИ АЙТАРДИ...» Инсонларга бу ёруғ оламда бир-бирига дўст бўлишдек буюк бир ахлоқий-маънавий неъмат Худо томонидан ато этилиб, уларнинг юрагига жо қилинган. Дўстлик бу одамлар ўртасидаги олий туйғу, хислат, фазилат. Ҳаётда ҳар ким ҳам ҳақиқий дўст топмаётми? Ҳақиқий дўстликнинг юки оғир. Юраеи, қалби, қўлига, дили тоза ва беғубор, «юраеи бир хил урадики» маслаҳат қилшларига ҳаётда бир-бири билан ҳақиқий дўст бўлиши мумкин.

Мамлакатимизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида фарзандларини болаликдан дўст кириштириши удуми бор. Уғил дўст, жўра, ошно кўришадилар. Бу удул болалардан кўра кўпроқ ота-оналар истаги билан амалга оширилади. Тўн қийинган жўралар жамоа олдиди қўчоқлашиб бир умрга дўст бўлишга бағрини бериб кўришадилар. Ҳозир ҳам гоҳи-гоҳида «фалончи менинг тўн қийинган дўстим» деган сўзларни эшитиб қолши мумкин. Қизлар эса сал кейинчалик, кўпроқ ўзлари танилаб дўстона кўришадилар. Бу удулда ҳам ҳар икки томон бир-бирига бошдан оёқ сарпо қилинади. Бу удуллар болаларда ёшлардан аҳиллик руҳини ўқотди, катта ёшга етганларида ҳам бир-бирига қардош, зиямалари бир-бирининг аҳволдан хабар олиб турнишдек масъулиятни оқлайди. Агар дўстлардан бири эрта вафот этиб кетса, тўн қийинган жўра дўстининг оиласидан яхши-ёмон кўнлариди хабардор бўлиб туради, тўй-ҳашамаларига бош бўлади.

Нега соҳибқирон Амир Темури фаолиятининг бошида кўчларини бираштириб, биргаликда душманга қарши курашган Амир Хусейн билан дўст бўлолмади? арабистонлик Сайиди Барака билан бир умрлик дўст, пир мурид бўлиб? Чунки Амир Хусейннинг нафс балоси шу қадар кучли эдики, у синглисининг сепита берилган биланкузунки ҳам қайтармай, қўйишга тикиди. Шундай киши билан Амир Темури дўст бўла олармиди, албатта йўқ! Сайиди Барака эса Соҳибқирон билан унинг яхши-ёмон кўнунда доимо бирга бўлди, уни қувватлаб турди.

Кўй (21.03-21.04). Ҳафта давомида кўпроқ нохушроқ кайфият билан иш кўрасиз. Лекин, маслаҳатимиз шуки, асло асабийлашишга йўл қўймаган. Бугундан яхши хушбахбарлар эшитасиз. Шунингдек, молиявий имкониятларингиз ҳам анча яхшиланади. Дам олиш кўнлариди маҳубб ёки маҳуббангизнинг кўнглини овлашга ҳаракат қилинг.

Коракалпоғистон ОБОДОН-ДАШТИРИШГА САРФЛАНАДИ

Жорий йилда чорвачиликка йўналтирилган Бўзот туманида кўроқчиликдан жабр кўрган аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмади. Бу ҳақда «Қозонкетган» фуқаролар йиғини раиси Мангитбой Жақсимуродов «Туркистон-пресс» мухбирига шундай деди: «Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, кўроқчиликни ободонлаштириш бундай туман ҳокимлигининг тадбирлари ишлаб чиқилди. Кўни кеча меҳнат жамоалари, фуқароларимиз ташаббускорлиги билан шим-ташиб уюштирилди. Ундан тўнган 300 минг сўмдан зиёд маблаг ҳам ободонлаштириш мақсадларига сарфланади. Ийгин раиснинг таъкидлашича, нодавлат, нотижорат «Кооператив консорциум» ҳалқаро ташкилотининг Қоракалпоғистон бўлими томонидан катта ёрдам кўрсатилмоқда. Уларнинг кўмаги билан кўроғида йигирмата қудуқ қазини ишлари амалга оширилади. «Туркистон-пресс»

ТАРИХДАН ТАРИҚЧА

Баҳор айёмида гулашт этарга бир чаман бўлса, Қилурга шарҳи ҳол, аҳли муҳаббат икки тан бўлса... Булут қатрафшон руҳарзо сабзалар хандон, Ариларнинг лабидо сабзакори бир чаман бўлса. Ҳаво ҳам мўстақил, ҳавзи мусаффо, суффаи дилкаш, Оқар сув галт уриб, себарга узра мавжзан бўлса... Фурқатнинг бу шеърда бир нараса, у ҳам бўлса сўнги байтдаги «Суффаи дилкаш» ибораси диққатини ўзига тортади. Урушдан олдин ва уруш йиллари, Тошкентнинг Жўрабек-Қорасув деган мавзеидаги, ҳозир Заркент деб аталадиги кўчанинг охирида томорқа ажратиб беришди. Биз у ерда бир неча йил деҳқончилик қилдик. Чайлашим ҳам бўларди. Қўшнимиз Ҳамидхон ака деган одам эди. У кўпни кўрган, ёшлиги Шайхонтоҳурга ўтган, адабиётта, шеърга ихлосманд эди. Унинг баланд паҳса девор билан ўралган ҳовлиси эстагида боғи бўлиб, боғ-ёшиқдан чиққанда, ўнг томондаги бурчакда, Фурқат ибораси билан айтганда, «Суффаи дилкаш» ҳам бор эди. Ундан нарғи дала ва боғлар эди. Ёз кўнларининг бирида ўша сулапа Ҳамид ака билан суҳбатлашиб ўтирар эканман, у мента ярим ҳазил, ярим чин қилиб: «Адабиётчи бўлман, - дейсан. - Адабиётчи булади-

А.ХАЙИТМЕТОВ

ган бўлсанг, ҳар замонда бир мана шу сулапа келиб, ис чиқариб туришинг керак? - деди. Мен бу гапга хайрон бўлиб қолдим. «Ҳа, нимага? - дедим унга. Қисқача мулоҳазадан кейин. - Бир вақтлар ана шу сулапа Фурқат меҳмон бўлган! - деди фахрланган оҳангда у. Менинг учун бу ҳеч қўлимгага гап эди. У супанинг тўр томонида соя солиб турган ёнғоқ дарактини қўли билан кўрсатиб, яна қўшиб қўйди: - Ана шу ёнғоқ ҳам бунинг гувоҳи. У Фурқатни кўрган! Идилар ўтди. Юртимизда фурқатшунослик ривожланиб, шоир таржамани ҳолининг Тошкент даври ҳам яхши ўрганилди. Ўзим бунинг гувоҳи бўлдим. Хусусан бу мавзуда кейинги 10-20 йил ичиди қўлгина илмий тадқиқотлар ҳам эълон қилинди. Аммо Фурқат ҳақида Ҳамидхон ака айтган гап ҳеч эсимдан чиқмас эди.

МАҲАЛЛАМИЗГА ФУРҚАТ КЕЛИБ КЕТГАН ЭКАН

Кейин бунга жавоб топгандай бўлдим. Гап шундаки, Ҳамид ақанинг отаси Маҳмудхўжа ака ўз даврининг катта адабиёт мухлиси бўлиб, маҳаллий шеър аҳли билан алоқаси жула яхши бўлган. Муқимий ва Фурқат Тошкентга турганларида эса уларга Маҳмудхўжа кўп муруватлар кўрсатган. Тошкентга келган, Фурқат аввал Кўкалош мадрасасида турган. Сўнг Маҳмудхўжа ака уни ўз ҳовлисида яшашга таклиф қилган. Бу хусусда фурқатшунос олимимиз А.Абдуғафуров «Ўзбек адабиёт тарихи» китобининг V-жилди 185-саҳифасида бизга қуйидагиларни маълум қилди: «Зокиржон Кўкалош мадрасасида 9 ой яшаб 1890 йилнинг март ойи бошларида Тошкентнинг Шайхонтоҳур мадрасасининг ёнгинасида яшовчи Маҳмудхўжа исми адабиёт мухлиси (ҳам яхши созанда) уйига кўчиб ўтди. У хонанда мунтазам равишда уюштирилганда шеърят ва

санъат мажлисларида доимо қатнашди. Фурқат кейинчалик Истамбулдан йўлдан мактубида («Сабоғи хитоб») бу дўсти ва ўзи яшаган уй ҳақида илқ мисраларни биттиди. Бомбейдан эса Маҳмудхўжа номига махсус шеърини хат йўллади («Ўзбек адабиёт тарихи», Тошкент 1980, 185-саҳ.). Менинг дала қўшим Ҳамид ака эса унинг ўғли бўлган. Демак, кўнларининг бирида Маҳмудхўжа ака Фурқатни кейинчалик кичкина ўғли яшаб турган боққа меҳмонга олиб борган бўлиши ҳақиқатга жула яқин. Ҳамид ақанинг фамилияси «Маҳмудов» экани ҳам бунга бир далил бўлиб хизмат қила олади. Бинобарин, ўтган асрнинг охириларида, Тошкентда истиқомат қилганида, машҳур мумтоз шоиримиз - Фурқат бизнинг маҳаллага ташриф буюргани билан фахрланишимиз керак ва фахрланамиз! Боғ ўрни иморат бўлиб кетган бўлса ҳам, лекин ўша тарихий ҳовли ҳамон бор.

Умрида биринчи марта пиво таъиб кўрган бир кампир хайрон бўлиб дедими: «Тамни дорига ўшайди. Чолин туманга бир умр шу доридан ичиб ўтган-да...» Саводсиз бир кампир нафақа олаётган вақти тўлов варақасига бир чизик чизиб кўраркан. Бир кун у иккари чизик қўйса, ундан кассир сўради: «Нима гап, нега иккита чизик чиздибдиз?» «Пурмушта чиздим. Энди фамилиям бошқача...» Рафиқанг қўшиқ айтаётган вақти нима учун балқонга чиқиб кетди?

«Кўнларим хотинини бурганпти, деб ўйламасин...» «Эш, келишган аёл қалплар бўлимига иш сўраб келибди. «Кўлингиздан нима иш келадими?» «Ҳеч нарса. - Афсуски, бизда бунақа жойларнинг ҳаммаси банд. Бир шўб бола бувинига гулдаста совға қилибди.»

Ҳинчада фильмини кўриб таъсирланган аёл эрта деди: «Жоним! Мана шу фильмидаги севгилисиз учун кўрбон бўлган йигитга ўхшаб сиз ҳам мен учун жонингиздан кечган бўлармидингиз?» «Жон-жон деб кечарим, фақат сендан кўрбонман бас...» Бир жангари феълди эркак ўлини ҳарбий хизматга жўнатар экан, маслаҳат беринг: «Ўзим, ҳеч қачон паст кетма. Катта ёшлиги аскарлар иш буюрини са қилма, мард бўл. Орадан бир ой ўтиб, аскар ўлидан хат келибди: «Дала, айтганингизни қилиб уч кун қамалиб чикдим, бир кишининг айтганини қилмаган эдим. Кейин билсам у командир экан.»



Энига: 1. а)Миллий спорт тури. б)Аёллар исми. 2. а)Металл. б)Мулоҳаза, хулоса. 3. а)Ўзгалик, латофат. б) Араб ҳарфларидан бирининг ўқилиши. 4. а)Италия пур билриги. б)Табият ва жамиятнинг тараққийини очиб берувчи соҳа. 5. а)Ойнинг арабча номи. б. а)Кўрсатиш олмоши. б)Тарихий асарлар. 7. а)Арабча ҳарф номи. б)Покиза,тоза. 8. а)Муқаддас зот. б)Имом, шамма. 9. а)Қарғанинг сайрани. б)Иморатнинг энг тепаси. в)Иккиозламачилик. 10. а)Нарх. б)Халқ томонидан тўқилган ривоят, ҳикоя. 11. а)Республикамиздаги жамгарма. 12. а)Инсон баданидаги аъзо. б)Кийим (қинки). Бўйига: 1. а)Кўёш, офтоб. б)Пардоз буюми. в)Ҳайвон. 2. а)Россиянинг тоғли ўлкаси. б)Алам, ҳасрат. 3. а)Умр йўлдоши. б)Американинг собиқ президенти. 4. а)Аёллар исми. б)Аза, таъзия. 5. а)Нота номи. б)Ҳасса. в)Кийимдаги янглик. 7. а)Шикаст, оғриқ. б)Мамнуи, мол. 8. а)Номус б)Тозаланаётган ариқнинг ичидаги лойқа тупроқ. в)Фойда. 9. а)Омбор. б)Ишхона. 10. а)Намозга даяъат. б)Сув йўли. 11. а)Нота тури. б)Жинс.

MANALLA га Ўзбекистон «МАНАЛЛА» хайрия жамғармасининг наشري

MANALLA Ўзбекистон «МАНАЛЛА» хайрия жамғармасининг наشري Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

БОШҚОТИРМА 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 Тузувчи: Салимжон БАДАЛБОВ

Ўқотар (23.11-21.12). Ҳафта ўрталарида хушбахбарлар эшитасиз. Шанба кўни моддий рағбатларга сазовор бўлишингиз кутилади. Дам олиш кўнлари ёрингизга маҳрибон бўлишни маслаҳат берамиз. Зеро, ширин сўз-жон озиги. Тоғ эҳкиси (22.12-19.01). Ҳафта бошларида содир бўлган нохушликлардан озор чекманг. Ҳафтанинг набатдаги кўнларини кўнгилашдек ўтказасиз. Дам олишга алоҳида эътибор беринг. Ойнинг ярми ёрут деганларидек, бари-бир сизни яхши хабарлар кутмоқда. Қовға (20.01-18.02). Ҳафта ҳар жиҳатдан хайрон ва омадди келадди. Жума кўни молия ҳамда бизнес соҳасида ишларингиз юришадди. Дам олиш кўни сизни гаройиб учрашув кутмоқда. Дўстларингиз энига боринг, улар сизни соғинишган. Бадик (19.02-20.03). Ҳафта давомида кўпроқ ўзингизга қаранг. Соғлигингиз, келгуси ҳаётингиз тўғрисида ўйлаб кўринг. Шу билан бирга бизнес соҳасини ҳам бутунлай ташлаб қўйманг. Дам олиш кўнларини ояланингиз, яқинларингиз диврасида ўтказинг.